



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KATOP PALATASI
INV. №

Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 12 август, № 159 (4569)

Сешанба

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ПЕКИН УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан 8-9 август кунлари Пекин шаҳрида бўлиб, XXIX ёзги Олимпия ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этди.

Мамлакатимиз раҳбари 9 август куни Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши саройида ХХР Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди.

Ислам Каримов Ўзбекистон Хитой билан икки томонлама алоқаларнинг бугунги ҳолатини, ҳамкорлик суръатини юксак баҳолаш ва қадрлашни, мамлакатларимиз ШХТнинг фаол аъзолари эканлиги ҳам ўзаро ишончи янада мустаҳкамлашни қайд этди. Муносабатларимиз 2005 йили Пекинда имзоланган стратегик аҳамиятга мўллик ҳужжат — Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома руҳида ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ху Цзиньтао Ислам Каримовни ўзининг дўсти деб атар экан, давлатимиз раҳбарига Ўзбекистон сиёсий ва гуманитар соҳаларда Хитойни қўллаб-қувватлаб келаётгани учун миннатдорлик билдирди. Хусусан, жорий йил май ойида Сичуань вилоятида юз берган zilзиладан кейин мамлакатимиз кўрсатган инсонпарварлик ёрдами юксак қадрлашни қайд этди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларда сиёсий мулоқотларни фаоллаштириш, хавфсизлик соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий, гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш устувор йўналишлар саналади. Бугунги кунда ўзаро ҳамкорлик анъанавий дўстлик ва ўзаро ишонч руҳида, икки томонлама манфаатдорлик асосида ривожланиб бормоқда.

Ўзбек ва хитой халқлари алоқаларининг тарихи буюк Ипак йўли давринанг — неча минг йилликлар қаҳридан бошланади. Бугунги ҳамкорлик ҳозирги замоннинг энг долзарб талабларига мос тарзда ривожланиб бормоқда. Албатта, бунда икки давлат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига қарашлари, халқаро ва минтақавий муаммоларга ёндашувлари ўхшаш эканлиги,



Фарход ҚҮРБОНОВЕВ олган сурат.

Ислам Каримов ва Ху Цзиньтао ўртасида дўстона муносабатлар қарор топтигани муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон раҳбари XXIX ёзги Олимпиаданинг очилиш маросимига таклиф этилгани, Пекиндаги учрашувда ХХР Раиси бу дўстликни яна бир бор алоҳида таъкидлагани ҳам шундан далolat беради.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида мунтазам равишда олий даражадаги учрашувлар йўлга қўйилган. Икки давлат раҳбарлари халқаро тузилмалар, жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) саммитлари доирасида ҳам мунтазам учрашиб турадилар.

Иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида энг кенг қулайлик яратиш тартиби амал қилаётганини таъкидлаш жоиз. 2007 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми салкам 750 миллион АҚШ доллари ташкил этди. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган 136 қўшма корхона, 26 Хитой компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар энгил саноат, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ахборот технологиялари каби соҳаларда иш юрятади.

Юртимизда Хитой ҳукумати-нинг фойсиз (6 миллион АҚШ

доллари) ва имтиёзли (36,3 миллион АҚШ доллари) кредитли йил асосида қатор имтиёзли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, ХХР Эксим-банки Ўзбекистонга 300 миллион долларлик экспорт кредити ажратган. Шу билан бирга, Хитой ҳукуматининг ШХТга аъзо мамлакатлар учун ажратган 900 миллион долларлик кредит линияси доирасида Ўзбекистонда инфратузилмани ривожлантиришга доир 19 лойиҳа қўриб чиқилган. Уларнинг умумий қиймати 612,1 миллион АҚШ доллари тенг.

Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича

Ўзбекистон-Хитой ҳукуматлараро комиссияси мунтазам мажлислар ўтказиб, иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг янги имкониятларини юзга чиқармоқда. Унинг 2006 йил августда Тошкентда ўтган еттинчи мажлисида Хитой компанияларидан 200 нафар вакил иштирок этди. 2007 йил январда Шанхайда ўтказилган Ўзбекистон савдо-иқтисодий салоҳиятининг тақдиротида ҳам қарийб шунча хитойлик бизнес вакили қатнашди.

Мамлакатларимиз ўртасида энергетика манбаларини тадқиқ этиш ва ўзлаштириш, нефть қимёси, энергетика, транспорт, машинасозлик, алоқа ва ахборот технологиялари, таълим, спорт соҳаларидаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Техникавий-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим амал қилляпти. Бу ҳужжат алоқаларни ривожлантириш жараёнини соддалаштиришга, янги йўналишларни очишга хизмат қилади. Савдо-саноат палаталари, иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги вазирликлари ўртасида ўзаро алоқалар йўлга қўйилган. Хитойлик ишбилармонлар ҳар йили пойтахтимизда ташкил этиладиган халқаро пахта ярмаркасининг доимий иштирокчиларидир.

Сармоявий ҳамкорлик хусусида Тошкент ва Пекинда ўтган олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувлар Ўзбекистонга қарийб 2 миллиард АҚШ доллари миқдорда Хитой инвестицияси қиритилишини назарда тутишни таъкидлаш жоиз. Жумладан, нефть-газ соҳасидаги ҳамкорликка оид ҳужжатнинг молиявий қиймати 600 миллион АҚШ доллари тенг.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорлик доирасида мунтазам равишда фотоурғазмалар, маданият кулчлари каби маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Талабалар алмашуви, мутахассислар малака ошириши йўлга қўйилган.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ

бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

Термиз шаҳрида диний-маърифий соҳаларда олиб борилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш мавзусида йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Сурхондарё вилояти ҳокими Т. Жўраев бошқарди.

Маърифатли ёшлар — юрт истиқболи

Йиғилишда Ўзбекистон Мусулмонлари идораси вакиллари, шаҳар ва туман хотин-қизлар кўмиталари, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари вилоят бўлиmlари, ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклаш, аждодларимиздан қолган бой маънавий меросни ўрганиш ва ёшлар онгига чуқур синдириш йўлида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Қайта таъмирланиб, обод қадим-жоларга айланган тарихий обидалар нафақат юртимиз зиёратчилари, балки хорижий сайёҳларни ҳам ўзига жалб этаётди. Жумладан, мустақиллик йилларида Сурхондарё вилоятидаги Исо Термизий макбараси, Ал-ҳаким ат-Термизий, Султон Саодат мажмуаси ва бошқа қатор қадимколлар обод қилиниб, зиёратгоҳларга айлантирилди.

Бугунги кунда терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш, ёшларимизни турли зарарли оқим ҳамда гоёлар таъсиридан асраш долзарб вазифалардандир. Навқирон авлодни ҳар тарафлама барқарор воғга етказиш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш таълим муассасалари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари билан бир қаторда кенг жамоатчилик зиммасига ҳам катта масъулият юкляди.

Тадбирда шулар хусусида сўз юритилиб, иқтимоий-маънавий соғлом муҳит барқарорлигини мустаҳкамлаш борасида учраётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б. Абдуҳалимов сўзга чиқди.

Х. МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири.

Нукус шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Журналистлар иқодий уюшмаси, «ЮНИСЕФ» халқаро ташкилоти ҳамкорлигида болаларни она сuti билан озиқлантиришни тарғиб этиш ва қўллаб-қувватлаш ҳафталиги ўтказилди.

Соғлом бола — соғлом келажак

Оналар ва болалар соғлиги жамият фаровонлигини, унинг истиқболини белгилайди. Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг самарали механизми ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Нукус шаҳридаги болалар ва ўсмирлар репродуктив саноатлик марказида ўтказилган амалий-ўқув машғулотларида барча маҳаллалардан бш оналар ва туғурж ёшдаги аёллар иштирок этди. Мутахассислар гўдак парварishiда она сuti-нинг аҳамияти, соғлом турмуш тарзига доир тушунириш ишларини олиб борди. Машғулот иштирокчиларига махсус сертификат ва қўлланмалар топширилди.

А. ОРТИҚБОВ,
ЎЗА мухбири.

Яқин вақтларгача поездаларнинг турли сув узатгич насослари, сальниклари, диафрагмалар, резина маҳсулотлар асосан четдан валютага сотиб олинар эди.

Рационализатор туҳфаси

Эндиликда Қўқон локомотив депоси катта устаси Юрий Токарев сай-ҳаракати билан бу маҳсулотлар депонинг ўзид таёрланмоқда.

Салкам 40 йиллик тажрибига эга устоз иxtирочи иш фаолияти давомида 60 дан зиёд иxtиро ва тақлифлар киритган. Бундан қорхона 11 миллион сумдан зиёд иқтисодий наф қўрганлигини жамoa алоҳида таъкидламоқда.

Н. СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Марказий Фарғонанинг навоқирон тумани Мингбулоқда яна бир касб-хўнар даргоҳи — Педагогика ва иқтимоий-иқтисодиёт коллежи қад ростлади.

Янги ўқув йилига совға

«Сардор» кўп тармоқли хусусий фирмаси бинокорлари замонавий меъморчилик талаблари асосида иншоотни тиклаш учун 2 миллиард сўмликдан ортик ҳажмда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Айти паллада сўнгги пардозлаш ишлари ва педагогик жамoани шакллантириш ниҳоясига етказилмоқда. Бу ерда янги ўқув йилида 480 нафар йигит-қиз илм ола бошляди.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИ

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Сирдарё вилояти идораларо комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг шу йил 8 июлда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашда давлат органлари, жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш масаласи муҳокама қилинди.

Инсон эрки ва қадр-қимматига таҳдид солувчи қабих жиноят — одам савдоси бугунги кунда глобал муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрича, ҳар йили дунёда ўртача 2,7 миллион инсон ушбу жиноят қурбони бўлаётгани аниқланди.

Тадбир

Мамлакатимизда одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши кескин курашиш йўлида кенг қуламли ишлар олиб боришмоқда. Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонун бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди. Ҳамаюртларини сарсон-саргардон қилиш эвазига мўлкуп ишларни қўзлаган но-пул кимсалар қонун йўли билан жавобгарликка тортилмоқда.

Сирдарё вилоятида шу йилнинг ўтган даврида одам савдоси билан боғлиқ бир неча ҳолатлар аниқланди. — Одам савдосига қарши курашишда хотин-қизлар кўмиталари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа мутасадди идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади, — дейди Сирдарё вилояти ички ишлар бошқармаси бошқарма бошлиғи Диёр Хайитов. — Аёллар ва ёшларнинг бандлик даражасини ошириш, ақтиёжанд оилаларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш одам савдосининг олдини олишда муҳим омил ҳисобланади.

Ийгилишда бу борада тегишли идора ва ташкилотлар олдида турган вазифалар белгиланди. Одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идораларо комиссиясининг низоми ҳамда иш режаси тасдиқланди.

Д. ЭСОНОВА,
ЎЗА мухбири.



Бухоро вилояти Жоңдор туманида туғилган Ришод Собиров (60 кг.) Пекинда давом этаётган XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олган дзюдо баҳсларида муваффақиятли қатнашиб, Ўзбекистон тарма жамоаси захирасига дастлабки медални туҳфа этди. Ҳамюртимиз учинчи ўрин учун кечган беллашувда франциялик номдор курашчи Дмитри Драгинни мағлубиятга учратиб, Олимпиада бронза медалига сазовор бўлди.

СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ ДАСТЛАБКИ МЕДАЛИ

Яқинда ўзининг 22 ёшини нишонлайдиган Ришод мамлакатимизнинг иқтидорли полковларидан ҳисобланади. У дзюдо силрини дастлаб мураббий Рустам Тўраевдан ўрганди. Бухородаги 2-иқтисодлаштирилган болалар ва ўсмирлар Олимпиада захиралари спорт мактабида устози Фурқат Солиев, кейинчалик Борис Григорьев қўл остида маҳоратини оширган. Катта спортдаги илк ютуғига 2005 йилда эришган эди. Уша йили Хитой Тайпейи давлатида ўтказилган Осиё биринчилигида 55 килограмм вазн тоифасида барча рақибларини енгиб,

голибликни қўлга киритди. Орадан икки йил ўтиб катталар ўртасидаги Осиё чемпионатида қумуш медал билан тақдирланди. Ришод бундан ташқари, қўллаб-қувватлаш халқаро турнирлар соғириндори бўлган.

Халқаро тоифадаги спорт устаси Ришод Собиров жорий йилнинг апрель ойида Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида Пекин Олимпиадаси йўланмасини қўлга киритди. Ёш полковимизнинг ютуғи бошқа спортчиларимизни ҳам руҳлантиришига ишонамиз.



(Давоми 4-бетда).

КОЛЛЕЖ БИТУРУВЧИЛАРИ ИШЛИ БЎЛИШДИ

Сурхондарё вилояти Бандликка кўмаклашиш маркази Денов маънавий хизмат касб-хўнар коллежида меҳнат бозорини ташкил этди.

Тадбирда 75 та иш бевуви ташкилот, қорхона ва муассасалар 450 та бўш ўрни билан иштирок этди. 242 нафар битирувчи ишли бўлди. Биргина Денов маънавий касб-хўнар коллежи тивувчилик бўлимининг 40 нафар битирувчиси тўқимачилик компанияти («SMAT-DTK»)да ишляди.

Шунингдек, олтинсойлик 79, узунлик 45 ва сариосиёлик 40 нафар коллеж битирувчилари ҳам турли ташкилотларга ишга жойлашдилар.

С. МАЛИКОВ.

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ АМАЛДА



2008 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида мамлакатимизда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш дастурларини амалга ошириш мақсадида усқуналар етказиб бериш ва қурилиш ишлари учун 341,2 миллион доллар ажратилди.

Ана шу маблағ ҳисобидан автомобиль, фармацевтика, енгил ва тўқимачилик саноатида, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қимё ва металлургия соҳасида 29 та инвестиция лойиҳаси ниҳоясига етказилди.

Бир рақам шарҳи

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ПЕКИН УЧРАШУВЛАРИ

(Давом. Боши 1-бетда).

2005 йили Тошкентда Хитой тили ва маданиятини ўрганиш бўйича Конфуций институти, 2007 йили Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидида Хитой тили маркази очилди. 2005 йилнинг сентябридан Пекиндаги Миллатлар марказий университетида ўзбек тили кафедраси фаолият кўрсатмоқда. 1998 йилда тузилган "Ўзбекистон-Хитой" дўстлик жамияти ҳам гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва сармоявий aloқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан атрофича фикр алмашдилар, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий муаммоларни муҳокама қилдилар.

Шу куни Президент Ислом Каримов ўзи жойлашган "Джаоютай" қароргоҳида Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак билан учрашди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон-Корея муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини, бугунги учрашув ўзaro ҳамкорлик қўламини кенгайтиришда икки томон ҳам бирдек манфаатдор эканини таъкидлади.

Ли Мён Бак Корея Республикаси Ўзбекистон билан ҳамкорликка алоҳида эътибор билан қарашини, мамлакатимизнинг Марказий Осиёдаги асосий шериги деб билишини қайд этди.

Президентларнинг суҳбатидида Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик ташаббусларига асосланиши, бугунги учрашув икки мамлакатнинг ўзaro муносабатлари янада мустақамлашга интилиши муштараклигидан далolat эканлиги таъкидланди.

Даржақат, бугун Ўзбекистон-Корея муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган, дейиш учун барча асослар бор. Бунинг яққол тасдиғи сифатида олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлигини қайд этиш мумкин. Мам-

лакатимиз раҳбари жорий йилнинг февраль ойида Сеулга ташир буюриб, янги сайланган Президент Ли Мён Бакнинг ўз лавозимига расман киришишга бағишланган маросимда иштирок этди, бир қатор муозакаралар ўтказди. Ушbu сафар асосида Ли Мён Бак Корея Республикаси Ўзбекистонни аънанавий дўст давлат деб билишини ва мамлакатимиз билан муносабатларни ривожлантириш тарафдори эканлигини алоҳида таъкидлаган эди. Бу самимиёт негизда сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига, халқаро ва минтақавий муаммоларга қарашлар ўхшаш ва яқин эканлиги, ҳамкорликдан икки томон ҳам бирдек манфаатдорлиги муҳасам.

Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг сиёсий масалаларда кўп жиҳатдан ҳамфиқрлиги халқаро сиёсат майдонидидаги ҳамжихатликни ривожлантириш учун замин бўлмоқда.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги йирик савдо-иқтисодий шерикларидан. 2007 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айлантириш ҳажми 850 миллион АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистонда Корея Республикаси сармояси иштирокчида тузилган 313 қўша корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, савдо, кимё, озиқ-овқат ва энгил соноат, металлургия қайта ишлаш, соғлиқни сақлаш, сайёхлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда янги юриятёрди. Кореянинг 73 фирма ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

Мутахассислар жорий йилда ўзaro товар айирбошлаш ҳажми бир миллиард долларга етишини таъкидламоқда. Мунтазам равишда бизнес-форумлар ўтказилиб, ишбилармонлар ўртасидаги алоқаларни ривожланиб бораётгани, сармоя оқимини кенгайтириш учун янги имкониятлар яратилаётгани бу фикрни тасдиқлади. Жумладан, Сеулдаги сўнгги муозакараларда Ўзбекистонга салкам 2 миллиард АҚШ долларига тенг Корея

сармояси киритишга келишиб олинган.

Жорий йилнинг май ойида Корея Республикаси Бош вазирининг ташири чоғида Тошкентда ўтказилган бизнес-форумда эса нефть-газ, электротехника, фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат, мейва-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

2008-2011 йиллар давомида Ўзбекистонга 120 миллион АҚШ доллари миқдорда узоқ муддатли имтиёзли кредит ажратиш тўғрисидаги ҳадли келишув, шунингдек, стандартлаштириш, геология, илм-фанини ривожлантириш муассасалари, "Асакабанк" билан Корея Эксимбанки ўртасида ҳамкорликка доир ҳамда мамлакатимиз ҳудудидаги конларни ўзлаштиришга, ишлаб чиқаришга янги турларни жорий қилишга оид қатор ҳужжатлар имзоланди. "UzKorGasChemical" қўша корхонасининг очилиш маросими бўлди. Устюртдаги Сурғил конида геология-разведка ишларини олиб бориш, конларни ўзлаштириш, полиетилен ва полипропилен ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушbu қўша корхона Президент Ислом Каримовнинг Корея Республикасида 2006 йил март ойидаги давлат ташири чоғида "Корея газ корпорацияси" ("KOGAS") билан "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси ўртасида имзоланган аниқлашув меморандумига мувофиқ ташкил этилди. Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 1,84 миллиард АҚШ доллари тенг.

Ўзбекистон-Корея ҳамкорлиги юқори технологиялар соҳасида ҳам жадал ривожланмоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг ўта ноёб ва айна пайтда барқарор, юқори даромд келтирадиган соҳаси саналган автомобилсозлик соноатини ишга туширишда корейлик шериклар билан алоқалар муҳим ўрин тутди. Айна пайтда соноатнинг бошқа соҳаларида юқори технологияли тармоқлар, юқас даражадаги қўшимча қий-

матга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш турлари ўзлаштирилмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университетидида узaro ҳамкорликка очилган Ахборот технологиялари маркази фаолият кўрсатмоқда.

Гуманитар ҳамкорлик ривожидида "Ўзбекистон — Корея Республикаси" дўстлик жамияти ҳамда олий ўқув юртлири ўқитувчилари ва талабаларининг Кореяда малака ошириши ва таълим олишини ташкил этиш билан шуғулланувчи Корей таълим маркази муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон давлат тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида корей тили ва маданияти марказлари ишлаб турибди. Мамлакатимизда буйлаб 9 олий ўқув юртида корей тили кафедралари ташкил этилиб, 112 мактабда корей тилини ўрганиш йўлга қўйилган. Мамлакатларимиз ўртасида Фарҳанг академиялари, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари йўналишида алоқалар изчил ривожланмоқда.

Учрашувда Ислом Каримов ва Ли Мён Бак ўзaro муносабатларнинг ҳозирги босқичига юқори баҳо бердилар. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, бу борада мавжуд имкониятлардан янада тўлиқ фойдаланиш масалалари юзасидан атрофича фикр алмашдилар.

Ислом Каримов Пекиндаги Олимпиада шаҳарасида ушbu нуфузли халқаро спорт мусобақаларида иштирок этаётган мамлакатимиз спортчилари билан учрашди.

Президентимиз спортчиларимизни бардам ва тетик руҳда кўрганидан мамнуният изҳор этиб, уларнинг яшаш, машқ қилиш шароити билан қизқиди. Олимпиаданинг очилиш маросимидида Ўзбекистон жамоаси биринчилар қаторида стадионга кириб келгани халқимиз гурурида гурур қўшишини таъкидлади.

— Сиз зиммагингизга олган вазифа нечоғли мураккаб ва оғир

эканини барчамиз яқши англаймиз. — деди Ислом Каримов. — Шу билан бирга, сизнинг миссиянгиз гоят шарафли эканини ҳам таъкидламоқчиман. Зеро, бундай вазифани ўз зиммасига олиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайдиди. Сиз Олимпиада йўналирида қатнашиш ҳуқуқини кўлга қиритиш учун нечоғли машаққатли синовлардан ўтганинги, тинимсиз машқлар орқали тана ва руҳингизини чиниктириб, маҳоратингизини юксалтиргангизини барчамиз яқши биламиз. Олимпиада сизга ўз маҳорат ва истеъдодингиз баробарида, ўзбек халқининг куч-қудратини намойиш этишингиз учун яқши имконият берди. Сиз Ўзбекистон спортчилари ҳар қандай юқас маршаларни забт этишга қодир эканини кўрсатишингизга, Ватанингизини спорт соҳасидидаги ҳуқуқини муносиб намойиш қилишингизга ишонаман.

Дэюдо бўйича аёллар жамоаси мураббийи Неля Киямова, энгил атлетикачи Бобур Шокиржонов Президентимизга мамлакатимизда спортни ривожлантириш ва спортчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида кўрсатаётган юқас эътибори учун самимий миннатдорлик билдирди.

Шу билан мамлакатимиз раҳбарининг Пекиндаги ташири ниҳоятгина бахтир эди. Сафар асосида бўлиб ўтган муозакаралар Ўзбекистоннинг Хитой ва Корея Республикаси билан муносабатларини янада ривожлантириш масалалари муҳокамага бағишланган бўлса, спортчиларимиз билан учрашув уларни Олимпиада мусобақаларида юқас фарқларни қўшига ундайди. Шу жиҳатдан Президентимизнинг Пекин ташири гоят самарали ва хайрли бўлди. Бунинг ёрқин тасдиғи сифатида 9 август куни ҳамюртимиз Ришод Собиров Дэюдо бўйича 60 килogrammга ча бўлган вазн тоифасида қандариялик рақибини доғда қолдириб, бронза медалига сазовор бўлганини айтиш мумкин.

Анвар МОЕВ,
ЎзА махсус мухбири,
Тошкент — Пекин — Тошкент

Яқинда Испаниянинг Барселона шаҳрида мактаб ўқувчилари ўртасида математика фани бўйича ўтказилган халқаро олимпиадада қатнашдим. Галпининг рости, мени бу юртнинг осмонлар бинолари, салобати эмас, кўпроқ беллашувда қатнашиш масъулияти ҳаяжонга солди.

«ЧИН ФАРЗАНДЛИК БУРЧИМ ОҚЛАСАМ, ДЕЙМАН»

Олимпиаданинг асосий тур баҳаслари бошланди. "Математика" ёзуви осимлик хонага дедил кириб борарканман, энг аввало, ҳакамлар ҳайвати аъзоларининг синовчан нигоҳларига дуч келдим. Шу лаҳза бу ўткир нигоҳлар мени довдиратиб қўйиши ҳам мумкин эди. Аммо кўз ўнгимда она Ўзбекистоним, ёшларни ҳаммиса фарзандим дея қўллаб-қувватловчи Ўрта Осиё, мени катта умидлар билан кузатиб олган ота-онам, захматқаш уз-тозларим сиймоси турарди.

Ўқувчиларимизнинг ҳақиқатини юзига чиқариш, янгидан-янги истеъдод соҳибларини кашф этишда фахрлансақ арзийдиган ишлар амалга оширилди ва бунинг натижасида жаҳон майдонидаги қўлишга тенг бўлиб, ўзбек миллатининг неларга қодирлигини кўрсатиб қўйишга аҳд қилинмоқда, ўз келажагини ўз ишончимиз мустақамлигини исобот этаёмиз...

Қадримиз шунчалар баланд эканлигини ҳис этиб, қаддимизни тик тутиб яшашимиз учун Уларнинг шунчалар муносиб ҳаёти экан, ўзимиз шун юрт учун юртимизни ким қилдикли, ширликларни баҳарлашга киришдиким.

Беллашувнинг иккинчи кунли голийлар номи эълон қилинар чоғда менинг ҳам исми-шарифим янгради-ю, қувончдан кўз ёшларимни тўхтамоқдам. Чунки 190 мамлакат вакиллари орасида юқас погонани забт этганидан бениҳоят шод эдим. Шундан сўнг, олимпиаданинг тантанали тақдирлар маросимида менга бронза медалини топширишди.

Ҳа, ўзбек фарзанди ҳеч қачон ҳеч қандам ҳам бўлмайдиди! Негаки, биз, ёшларнинг буни теран ҳис этишимиз, эртакдан кун сари дадил оқимлашимиз, иқтидоримизга яраша интилимимиз учун барча шароит бор.

Агар юртимизда шундай эътибор ва ғамғурлик бўлмаганида мен — оддий ишчи оиласи фарзандининг билими халқаро микёсдаги нуфузли беллашувда синовдан ўтказишим, ўз қўшимча ишониб, бутунбошли мамлакат шарафини ҳимоя қилишга журъат топшим қайда эди, дейсиз? Фақат истиқлол берган имкониятлар туфайлигина ёшлар-

Истиқлолнинг ўн етти йиллиги шодиёналари тобора яқинлашмоқда. Мустақиллик — улғунемат, бизнинг борлигимиз, шу шухратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир. Шу бос ҳамма жойда бу энг азиз байрамга гўхта хозирлик кўрилоқда.

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ САОДАТИ

Хусусан, Марказий Осиёдаги нуфузли корхоналардан ҳисобланган "Навоийазот" ОАЖ жамоаси истиқлол шодиёнасини кувончли ютуқлар билан кутиб олаётди. Корхона ҳаётида шу йилнинг биринчи ярмида 123 миллиард 734 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу режадан 16 миллиард 528 миллион сўмлик кўп, демакдир. Хориқлик истеъмолчиларга эса 140618 тонна минерал уғит жўнатилды.

Сўнгий нитрон толасига, айниқса, талаб кўчи. У Эрон, Туркия, Покистон давлатларига экспорт қилинмоқда. Хива ва Бухоро шаҳарларидаги гилам фабрикаларида ҳам мазкур таладан махсулотлар ишлаб чиқарилаётди. У таркиби жиҳатидан жун толасига жуда ўхшаш бўлган нитрон толасидан тайёрланаётган пишқ ва сифатли моллар миқдори эса муттасил қўлайтирилмоқда.

Даромадининг мунтазам ортаётгани, қолаверса, ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланётгани корхона ходимларининг турмуш фаровонлигини янада яқшилатадиган муҳим омили бўлаётти. Бунинг ёшларга эътибор, ғамғурлик мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин: иш оилаларга мўлжалланган иккита кўп қават-

ли уй қурилиши учун ер акратилиб, оила қўллаб-қувватлаш ишлари бошланган.

— Ўрта Осиёнинг томонидан яратиб берилаётган шарт-шароитлар биз, ёшларни янада руҳлантирмоқда, — дейди Бобур Қаршиев. — 29 ёшданман, назорат-ўлчов ва автоматика асбоблари қилангари бўлиб ишлайман. Олий маълумотлиман, Ишимдан кўнглим тўқ, Қувонарлиси, ота-онам, қайнонам, умр йўлдошим ҳам айнан мазкур корхонада фаолият қўришмоқда. Яқинда жамоамизда «Энг намунали ёш оила» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда умр йўлдошим билан иштирок этиб, голийликни кўлга киритдик.

"Навоийазот" корхонасини ишчи-хизматчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг мазмуни ҳордиқ чиқаришлари, соғлиқларини тиклашлари борасида ҳам амалий чора-тадбирлар қўрилимоқда. Утган опти оий давомидида ижтимоий ҳимоялаш ишларида 3 миллиард 480 миллион сўм маблағ акратилгани шундан далolat беради.

Буларнинг бари меҳнат аҳлига ўзгина шаху, қайғирит бахш этмоқда. Уларни янги-янги ютуқлар сари даъват қилимоқда.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фармон ва ижро

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 5 январда қабул қилинган "Йирик соноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан пойтахтимизда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

КАСАНАЧИЛИК САМАРАЛАРИ

Жорий йилнинг ўтган даврида аҳоли бандлигини ошириш мақсадида 35 мингдан ортққ иш ўрни яратилди. Унинг 18 фоизи уй меҳнатининг барча шакллари, жумладан, касаначиликни ривожлантириш ҳисобига ташкил этилди.

Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ва унинг жойлардаги бандликка қўмақлашувчи марказлари томонидан амалга оширилаётган бу борадаги ишлар ўз самараларини бермоқда. Шаҳардаги ишлаб чиқариш корхоналарида касаначилик асосида меҳнат қилаётган юзлаб хотин-қизлар уй-рўзгор юмушларидан ажралмаган ҳолда қўшимча даромад топиш имконига эга бўлаётди.

— Бу усулда ишлаш менга жуда маъқул келди, — дейди Учтепа тўқманидидаги "Маликабону-чевар" корхонаси касаначилиги Гулноза Камбарова. — Хозир уйда буюртма асосида болалар ва катталар кийимларини тиктаёмиз. Фарзанд тарбияси ва уй ишларидан ортиб, оилам даромадига ҳисса қўшаётганимдан мамнунман.

Х. САЛИМОВ,
ЎзА мухбири.

ИСТИҚЛОЛ ҚУЁШИ ЯШНАТГАН ШАҲАР

Ҳар бир халқ ўз юртига ҳақиқий эга бўлганда унинг тарихи ва салоҳияти бўйбастини ҳамда гўзаллигини дунё кўз ўнгига тўла-тўқис намойиш эта олади. Биз бугун мустақиллигимиз туғайли, ўз юртимиз ва тақдиримизнинг тўла ҳуқуқли эгасимиз. Пировардида шу боисдан Бухорою Хива, Самарқанду Шаҳрисабз, Термизу Қарши ва Марғилоннинг улғун тарихий тўйларини нишонладик. Мана, бугун пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг муборак 2200 йиллигини наинки миллий, балки халқаро микёсдаги катта байрамга айлантириб нишонлашга хозирлик кўраёмиз.



Шаҳарларнинг қадимийлиги — миллат илдизининг қадимийлигидан, шу халқ тамаддунининг кўна ва бой тарихидан далolatлардир. Тарихий тўйларни нишонланган кўна шаҳарларимиз Туронзаминнинг инсоният маданияти бешикларидан бири эканлигини кўрсатиб турибди. Тошкент шаҳрининг тарихи ҳам мана шу улғун ҳақиқатнинг рад қилиб бўлмас далилларидан бири сифатида қимматлидир.

«РАҲБАР АЁЛЛАР КЛУБИ»

Жиззах вилояти хотин-қизлар кўмитаси қошида «Раҳбар аёллар клуби» иш бошлади.

Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг оила ва жамиятда мавқеини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аёлларнинг бандлигини, ижтимоий фаолигини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида олиб борилаётган салмоқли ишлар ўз самарасини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Жиззах вилоятида ҳам ўтган йили аёллар учун 11 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Бу йил эса ушbu кўрсаткич янада ошиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 12 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божаюна ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмага нисбатан қўйиладиган қийматини белгилади: *

1 Австралия доллари	1167,68	1 Исландия кронаси	16,04	1 Швейцария франки	1218,79
1 Англия фунти	152,58	1 Канада доллари	1235,93	1 ЕВРО	1273,55
1 Аргентина аргентиналари	2530,24	1 Ҳитой юани	191,94	10 Жауубий	1973,55
1 Дания кронаси	264,63	1 Малайзия рингити	397,36	Корея вони	12,73
1 БАА дирхами	358,76	1 Польша злотиски	603,53	10 Япония иенеси	119,85
1 АҚШ доллари	1317,63	1 СДР	2098,95	1 Россия рубли	55,18
1 Миср фунти	249,79	1 Туркия лirasи	1113,33	1 Украина гривнаси	271,96

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушbu қийматда сотиб ёки сотиб олиш мажбурийлигини олмайди.

ЖАҲОН

24 соат ичида

Самолётлар тўқнашуви



Хорватиянинг Сплит шаҳри аэропортида иккита йўловчи самолёти тўқнашиб кетди.

"РИА Новости" ахборот агентлиги хабарига кўра, "Ту-204" русумидаги Россия авиаконанисига қарашли самолёт парвозга чолланаётган вақтда Италиянинг "Airbus A320" самолёти қанотига урилиб кетди.

Икки самолёт бортидаги 273 нафар йўловчидан ҳеч бири жароҳатланмади.

Ҳарбий заводда ёнгин


Болгариянинг Казанлик шаҳридаги йирик ҳарбий заводда ёнгин содир бўлди.

"АФР" агентлиги хабарида айтилишича, ёнгин натижасида кучли портлашлар ҳам кузатилган. Маълумотларга кўра, ҳарбий корхонада беш мингдан зиёд киши ишларди. Ҳозирча қурбонлар ҳақида аниқ маълумот йўқ.



Парвоз

арафасидаги ҳодиса



Бойкўнгир космодромида Малайзиянинг "MEASAT-1R" русумли сунъий йўлдошига жиддий зарар етказилди.

Хабарларга кўра, сунъий йўлдош парвозга тайёрланаётган пайтда унинг антеннасига кучли зарба теккан. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мосламани таъмирлашга анча вақт кетиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, "MEASAT-1R" сунъий йўлдоши шу йил 22 август кунини ўтказиб кетди.


Офтобдан

куч олган стол

АҚШда олимлар томонидан ишлаб чиқарилган янги кўёшли стол сотувга чиқарилди.

"ErgoGel" наشري хабарига кўра, «SunTable» номли бу жиҳоз 2,2 минг АҚШ долларига тенг. Унинг афзаллиги шундаки, стол кўёшдан энергия олиб, ҳоҳлаган мосламани электр манбаи билан таъминлайди.

Столнинг оғирлиги 20,4 килограмм бўлиб, ҳажми 45,7x78,7x137,2 сантиметрга тенг экан.



Кўзлар қамашди

Шу йилнинг 1 август кунини бутун дунёда кўёш тугилиши кузатилади.



Табиятнинг ноёб ҳодисаси аксарият кишилар соғлиғига жиддий зарар етказган. «Бизнес-стиль» интернет наشري хабарига кўра, Россиянинг Новосибирск шаҳри аҳолиси шифокорларга тез-тез мурожаат қилмоқда. Улар кўёш тугилишини томоша қилишда қорайишни боис кўзнинг қуриш қобилияти бироз пасайган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ЖОНАЖОН ЮРТ МАФТУНИМАН

Ўтган йили мустақиллик байрами арафасида қадимий Самарқанднинг 2750 йиллик юбилеи нишонлангани, унда мамлакатимиз Президентининг иштироки бутун Ўзбекистонимиз миқёсидаги унутилмас воқеа бўлди.

Нуфузи жиҳатидан бутун жаҳон халқларининг эътиборини тортган ана шундай анжуманда қатнашганимдан қалбимда шукроналик туюман. Ешим 80 да. Ярим асрга яқин ҳуқуқ идораларида хизмат қилдим. Бу даврда кўп ноҳақликларни, айрим «қонуний»ларнинг ўзлари қонунларга риоя этмасдан бутун халқни айбонлашлари ҳам гувоҳ бўлдим. Шукур, ҳам-

маси ортда қолди. Истиқлол туйғули елкамиз офтоб қўрди, бир пайтлар оёқ ости қилинган миллий урф-одатларимиз тикланди, қадриятларимиз қайта қарор топди. Ненелуғларимизнинг хоки поклари қўйилган муқаддас жойлар зияратгоҳларга айлантирилди. Бугунги Самарқандни кечагиси билан таққослашга тил ожиз. Негаки,

Истиқлол шуқуқи

барпо этилгани, кўчаларнинг кенгайтирилиши, раволиги, хиёбонлар, маҳаллалар орасталиги — ҳамма-ҳаммаси кўз ўнгимизда амалга ошяпти. Бир меҳнат фахрийси сифатида оилам, шогирдларим даврасида ардоқли инсонман. Истиқлол йиллари бир неча хорижий давлатларда бўлдим.

Ўтмишда тоталитар манфур мафкура туйғули хориждан панох излаган бўлболаримиздан хабар топдим. Булар йўлига. Асосийси, мустақиллигимизнинг 17 йиллиги муносабати билан Гўзал Ватанимиз янада гуллаб яшнаётганидир. Мен унун мамлакатимнинг ҳар гўшаси табаррук. Мен унинг ҳар қадамига, ҳар қаричига бир умр мафтун бўлиб яшайман.

Азиз ЮНУСОВ, Самарқанд шаҳрида яшовчи меҳнат фахрийси, Ўзбекистон хизмат кўрсатган юрсти.



«ЁШ ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР»

«Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда касб-ҳунар коллежларини битирган йигит-қизларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари учун яратилган имкониятлар ёшларимизнинг келажак сари дадил интилишларига қанот бўлаётир.

Хусусан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида самарали ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Жумладан, жорий йил якунига қадар тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадига банкка ўз бизнес-режасини тақдим этган 200 нафар йигит-қизга 40 миллион сўм миқдорда кредит бериш кўзда тутилган. Эътиборлиси шундаки, Ёшлар ҳаракатининг мақсуи лойиҳасига мувофиқ, «Ёш тадбиркор — элга мададкор» шiori остида танлов ҳам эълон қилинди. Унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан жами 28 та лойиҳа танлаб оли-

лиги аниқ мақсадлар сари дадил одимлашимизда қанот бўлмоқда, — дейди Саида. — Очиғи, коллежни битираману ўзим мустақил иш бошлайман, яна орзумдагидек реклама агентлиги фаолиятини йўлга қўйман, деб ўйламагандим. Шукурки, Юрбошимизнинг биз, ёшларга юксак ишонч билдириб, интилишларимизни қўллаб-қувватлашлари туйғули бошқа тенгқурларим катори мен ҳам ор-

Танлов

зуларимни амалга оширмоқдам. Бугун иш бошлаётган агентлигимиз келгусида машҳур фирма ва компанияларнинг ишончли ҳамкори сифатида танилишга эришмоқчиман. Бунинг учун янги гўяларим, ўзига хос иш услубим, қўзлаган мақсад-режаларим бор. Ёшларимизни интилишга ундаётган ушбу танлов ҳусусида «Камолот» ЕИХнинг

ёшларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик ва бандликка қўмақлашиш масалалари бўйича етакчи мутахассис Одилик Абдуқўҳоров шундай дейди: — Мазкур танлов уч бошқич асосида мамлакатимизнинг турли ҳудудлари бўйлаб ўтказилади. Бугунгача 5 минг нафардан зиёд йигит-қиз танловда қатнашиш истагини билдириб, ўз ҳужжатларини тақдим этди. Айна кунларда кўрнанинги иккинчи бошқичи якунланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидан ёш тадбиркорлар иштирок этди. Таъкидлаш жоизки, ушбу лойиҳада қатнашиш истагини билдирган ёшлар учун минтақавий ўқув-семинарлари мунтазам ташкил этиб борилмоқда. Ўқув анжуманларида ёшлар тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари, бизнес-режа тузиш қоидалари, маркетинг ва бухгалтерия ҳисоби бўйича қimmatли маълумотларга эга бўляптилар.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.


ХИВА ХУНАРМАНДЛАРИ



Қадимий Хива шаҳри ривож топган хунармандчилиги, асрий ёдгорликлари, осмонупар миноралари билан азал-азалдан машҳур. Хива гиламлари, чинни ва сопол буюмлари, тилла ва кумуш тақинчоқлари дунёда ном таратган. Ҳозирги кунда ҳам бу замин хунармандлари аҳдоқлар анъаналарини давом эттириб келмоқда. Хива хунармандчилиги уюшмаси қолди фаолият юритаётган «Ичан қалъа» мажмуасида 10 дан зиёд устaxonалар мунтазам ишлаб турибди. Бу ерда тайёрланаётган ёғоч ўймақориғи, ипақдан тикилган буюмлар, зардўзлик кийимлари, турли ёздалик совғалари Хоразмга ташриф буюрган сайёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

СУРАТЛАРДА: Хива хунармандлари фаолиятдан лавҳалар.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Республика Кўчмас мулк биржаси Хоразм вилояти филиали нархлари ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Такрорий аукцион савдосига қуйидаги мулклар кўйилмоқда: I. Хоразм вилояти хўжалик судининг 2007 йил 24 декабрдаги 10308-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари томонидан хатланган, «Тумўйин — Урганч» миятқалараро сув қувурларидан фойдаланиш бошқармасига қарашли, Урганч шаҳри, Ал-Беруний кўчаси, 15-уйда жойлашган, умумий ер майдони 14296,65 кв. метрни, шундан қурилиш ости ер майдони 545,91 кв. метрни ташкил қилган, электр энергияси, газ таъминоти, иситиш тизими, водопровод ва канализация хизмат турлари мавжуд бўлган 3 қаватли маъмурий бино ҳамда ёрдамчи бинолар такроран, бошлангич баҳоси 2 фойзага туширилган ҳолда. Жорий бошлангич баҳоси — 203 134 400 сўм. II. Хоразм вилояти хўжалик судининг 2007 йил 16 мартдаги 370-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Хоразм вилояти МТП биларшмаси» очик акциядорлик жамиятига қарашли бўлган ва Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 36/2-уйда сақланаётган қуйидаги мулклар бошлангич баҳоси 20 фойзага туширилган ҳолда қайта кўйилмоқда: «Магнум-8940» русумли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 15-73 ЕН, техник соҳ холатдаги трактор. Жорий бошлангич баҳоси — 77 248 000 сўм. «Магнум-8940» русумли, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 15-74 ЕН, техник соҳ холатдаги трактор. Жорий баҳоси — 78 240 000 сўм. III. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 20 августдаги 1/415/2007-сонли ижро варақасига асосан, Урганч тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Қорабайр» фермер хўжалиғига қарашли бўлган, Урганч тумани, Беғовот қишлоғида жойлашган, қурилиш ости ер майдони 2394,16 кв. метрни ташкил қилган чорва фермаси бино ва иншоотлари такроран бошлангич баҳоси 20 фойзага туширилган ҳолда. Жорий бошлангич баҳоси — 62 358 480 сўм. IV. Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Хоразм вилояти хўжалик судининг 2008 йил 4 январдаги 8023н-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Хоразм автойўл» маҳсуи йўл хўжалиғи пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасига қарашли қуйидаги мулклар бошлангич баҳолари 20 фойза арзонлаштирилган ҳолда қайта кўйилмоқда: 1. Урганч шаҳри, Обводная (Бинокор) кўчаси, 1-йўлак, 8-уйда жойлашган, қурилиш ости ер майдони 1382,27 кв. метрни ташкил қилган, 20 кишилик меҳмонхона типиде қурилган 2 қаватли тураржой биноси. Жорий бошлангич баҳоси — 527 761 524 сўм. 2. Хонқа тумани, собиқ «Ўзбекистон» ширкат хўжалиғи ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 13483,56 кв. метр, шундан қурилиш ости ер майдони 3175,92 кв. метрни

ташкил қилган консерва заводи ва ёрдамчи хўжаликлари мол-мулклари мажмуаси. Жорий бошлангич баҳоси — 57 580 240 сўм. 3. «Урганч — Хива» йўлининг 1 километрида жойлашган, 2 қаватли, 3 корпусдан иборат меҳмонхона биноси ва ёрдамчи хўжаликлари мажмуаси. Жорий бошлангич баҳоси — 325 762 146 сўм. Аукцион савдоси 2008 йил 28 август кунини соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й. Бобоқонов кўчаси, 23-уйда ўтказилади. Шунингдек, 2008 йил 16 сентябрь кунини соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й. Бобоқонов кўчаси, 23-уйда ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги мулклар кўйилмоқда: Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг 2008 йил 20 майдаги 1831/1/2/3-сонли ижро варақасига асосан, Хива тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Фуқаро Аҳмедов Улғубека тегишли, Хива шаҳри, К. Ёқубов кўчаси, 71-уйда жойлашган қўлда гилам тўкиш фабрикасининг бино ва иншоотлари: 1. 3 қаватли, қурилиш ости ер майдони 872,6 кв. метрни ташкил қилган ишлаб чиқариш цехи биноси. Бошлангич баҳоси — 220 543 628 сўм. 2. Қурилиш ости ер майдони 559,05 кв. метрни ташкил қилган 2-цех биноси. Бошлангич баҳоси — 44 730 189 сўм. 3. Қурилиш ости ер майдони 497,0 кв. метрни ташкил қилган 3-цех биноси. Бошлангич баҳоси — 47 654 685 сўм. 4. Хива шаҳри, Обводная кўчаси, 6-уйда жойлашган, қурилиш ости ер майдони 589,71 кв. метрни ташкил қилган цех биносининг бир қисми. Бошлангич баҳоси — 57 784 765 сўм. Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фойзидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда РКМБнинг Хоразм вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452105, МФО 00901, ИНН 200933850. Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ҳўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 № 000004.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ

бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибидан 2008 йил 9 сентябрь кунини соат 11.00 да ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти хўжалик судининг 2007 йил 27 февралдаги 11-0521/5026-сонли буйруғига асосан хатланган, Қуйи Чирчиқ тумани, Дўстобод шаҳри, Муҳаммедулов кўчасида жойлашган МТП гаражида сақланаётган: 1. «Кейс-2022» русумли, давлат рақами ЕК 26-67 бўлган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган комбайн. Бошлангич баҳоси — 51 680 966 сўм. 2. «Кейс-2022» русумли, давлат рақами ЕК 26-68 бўлган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган комбайн. Бошлангич баҳоси — 59 063 961 сўм. 3. «Кейс-2022» русумли, давлат рақами ЕК 26-69 бўлган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган комбайн. Бошлангич баҳоси — 66 446 956 сўм. 4. «Кейс-2022» русумли, давлат рақами ЕК 26-70 бўлган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган комбайн. Бошлангич баҳоси — 50 204 367 сўм. 5. «Кейс-2022» русумли, давлат рақами ЕК 26-71 бўлган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган комбайн. Бошлангич баҳоси — 50 204 367 сўм. II. Шунингдек, 2008 йил 26 август кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан ЖИБ Зангиота тумани судининг 2008 йил 21 февралдаги 1-41/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Янгийўл шаҳри, «Отабек ҳожи» МЧЖ божхона омборида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1. «MAN» русумли, давлат рақами 27УК081 бўлган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси ва давлат рақами 27ВВ195 бўлган, 1996 йилда ишлаб чиқарилган тиркама. Бошлангич баҳоси — 130 000 000 сўм. 2. «MAN» русумли, давлат рақами 27ВФ462 бўлган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси ва «FRUEHAUF» русумли, давлат рақами 27В1906 бўлган, 2006 йилда ишлаб чиқарилган тиркама. Бошлангич баҳоси — 195 000 000 сўм. Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун олганда тўхтатилади. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фойзидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг АТ «Ипотекабанк»и Собир Раҳимов филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000500571452105, МФО 00901, ИНН 200933850. Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ҳўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 № 000004.

ООО "CHIRCHIQ TEPLO SYSTEM" ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ CHIS ҚОЗОНЛАРИ Ҳавфсиз автоматика билан таъминланган МОДУЛЛИ ИСИТИШ БЛОКЛАРИ Табиий газ, суық ва қаттиқ маҳсулот сертификатланган Чирчиқ шаҳри, Навоий кўчаси, 259. Т/ф. 8 (370 71) 5-61-73, 5-40-62, т.ф. 5-59-87, 314-59-87. E-mail: chts.uz@mail.ru

Официальный дистрибьютор ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ "КЧМ" РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 98% а также: КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный) САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте) ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04 Торговый магазин ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127 zakamsk-group@mail.ru

SIRUBA 2411500 1848325 1848326 Европа ва Осиё мамлакатларидан пластмасса қайта ишлаш, пластмасса маҳсулотлари ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳамда қадоқлаш ускуналари ва технологиялари - етказиб бериш; - ўрнатиб бериш; - ишга тушириш; - бир йил давомида техник хизмат кўрсатиш. «POLIMER GROUP ASIA» Телефонлар: +99871 262-51-09, +99890 316-12-53, 327-97-28. Web: www.powerglob.com e-mail: info@powerglob.com

Спорт Sport Спорт

СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ ДАСТАБКИ МЕДАЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Луиза Галиуллина саралаш беллашувида 98 иштирокчи орасида 60-ўрин билан кифояланди. Боксчиларимиз ҳам мусобақаларни бошладилар. Жулдан, Дилшод Махмудов (69 кг.) марокашлик Меҳди Калсини 11:3 ҳисобида мағлубиятга уратди. Элшод Расулов (75 кг.) французлик Жан Микел Раймонни 8:2 ҳисобида енди. Афина Олимпиадаси бронза медали совриндори Баҳридиржон Султонов (57 кг.) ҳиндистонлик Лалит Лакрани доғда қолдириб, кейинги босқичга йўл олди.

Аббос Атоев (81 кг.) эса тожикистонлик Осиё ўйинлари ғолиби Жаҳон Курбоновага кутилмаганда имкониятни бой берди. Кеча юртдошларимиз бокс, академик ашқак эшиш ва джудо бўйича мусобақаларда иштирок этдилар. Ҳозирча Ўзбекистон терма жамоаси норасмий умумжамоа ҳисобида 204 мамлакат спортчилари орасида 38-ўринда бормоқда.



Ўзбекистоннинг 17-юлида чемпионати бўлиб ўтган футбол бўйича Ўзбекистон XVII миллий чемпионати олий лигасида иккинчи дара ўйинларига старт берилади.

ЖАҲОН РЕКОРДЛАРИ ЯНГИЛАНДИ

Пекин Олимпиадаси давридан жой олган 100 метрга брасс усулида сузиш беллашувида япониялик Косукэ Китажима 58,91 сония натижа қайд этиб, жаҳон рекордини янгилади ва Олимпиада чемпиолигига қўлга киритди. Шунингдек, сузиш бўйича 4x100 метрга эстафета баҳсларида АКШ эркаклар терма жамоаси 3 дақиқа-ю 8,24 сонияда маррага етиб келиб, янги жаҳон рекордини ўрнатди.



Ўзбекистоннинг 17-юлида чемпионати бўлиб ўтган футбол бўйича Ўзбекистон XVII миллий чемпионати олий лигасида иккинчи дара ўйинларига старт берилади.

ИККИНЧИ ДАВРА ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги МХСК стадионида чемпионат пешқадамлигига асосий даввогар жамоалар — "Бунёдкор" ҳамда "Пахтакор" ўзаро куч сынашдилар. Учрашув кутилганидек, кескин ва жанговар курашлар остида ўтди. Хосе Луис Вильянуэва ва Зайниддин Тожиёвлар томонидан киритилган голлар учрашувнинг 1:1 ҳисобида яқуланганини таъминлади. Хабарингиз бор, "Пахтакор" марказий стадионида бўлиб ўтган биринчи давранинг сўнгги турида ҳам томонлар худди шундай ҳисобни қайд этган эдилар. Ўз-ўзидан қўриб турибдики, чемпионлик кураши мавсум охиригача давом этади. Ўн олтинчи турнинг қолган учрашуваридида қўйидаги натижалар қайд этилди: ОТМК — "Локомотив" 4:3, "Кизилқум" — "Шўртан" 0:2, "Сўғдиёна" — "Нефтчи" 1:1, "Насаф" — "Ўз-Донг-Жу" 2:0, "Бўхоро" — "Динамо" 1:0, "Андижон" — "Машъал" 2:0, "Навбахор" — "Металлурги" 3:0. Ўн олтинчи тур учрашуваридан сўнг "Бунёдкор" 42 очко билан турнир жадвалида пешқадам бўлиб турибди. Карвонбошидан икки очко кам (40) тўплаган "Пахтакор" иккинчи ўринда бормоқда. Учинчи ўринни эгаллаб турган "Нефтчи" ҳисобида 29 очко бор.

3. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

Спорт Sport Спорт

Ёшлар тарбияси ҳар бир жамятда, ҳар бир мамлакатда ҳамиша алоҳида эътиборда бўлиб келган. Аввало, ёшларга билим олиш ҳуқуқини бекаму кўст таъминлаб бериш бош вазифалардан биридир. Шу сабабли ҳам нихоятда мураккаб, кўп вақт ва кўп маблағ талаб этадиган, мутлақо янги тизим — узлуқсиз таълим тизимини яратимиз деб мақсад ва вазифа давлатимизнинг устувор сиёсатига айланди.

Мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ Олий Мажлис томонидан 1992 йил «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши илк қадам бўлган бўлса, йиллар давомида таълим тизимида ислохотларнинг шиддат билан олиб борилиши ҳамда таълим сифати ва самардорлигини таъминлаш мақсадида 1997 йилда қонунни қайта кўриб чиқиш зарурияти туғилди. Бугунги ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимининг афзаллиги шундаки, биринчидан, ёшларимиз кенг дунёқарашга эга, Ватан туйғуси билан ўсаётган бир неча касб эгалари, яъни кичик муҳассислар бўлиб етишадилар. Иккинчидан, касб-хунар коллежлари ҳар бир худуднинг ўзига хос географик ва демографик шарт-шароитларидан келиб чиқиб ташкил этилган.

Айни кунларда эса «Таълим тўғрисида»ги Қонунни такомиллаштириш мақсадида яна Олий Мажлис палаталари, тегишли вазирликлар томонидан унинг мавжуд матни чуқур таҳлил ва муҳокама қилинмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим-тарбия олдига қўйилган вазифаларнинг охиригача бекаму кўст, муваффақиятли бажарилиши, Президентимиз таъкидлаган, яхши маънодаги «портлаш» эффектини бериши, шубҳасиз.

Биргина таълим соҳасидаги қурилиш масаласига тўғраладиган бўлса, Ёшлар йили давлат дастури доирасида навбатдаги яна 20 та академик лицей ва 170 та касб-хунар коллежлари фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Алоҳида айтиш лозимки, бир вақтнинг ўзида, бир томондан, мамлакатимизда ҳар йили ўртача 100-120 тагача ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари қурилаётганлиги ва уларнинг ҳар бирига камида 1,5 млрд. сўм маблағ сарфланаётганлиги, иккинчи томондан, республика ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ажратилиши билан чегараланиб қолмай, давлат томонидан кафолатланган энг нуфузли чет эл грантлари ёки имтиёзли кредитлари асосида қишлоқ хўжалиги, қурилиш, маиший хизмат, саннат ва ахборот технологиялари соҳасидаги таълим муассасаларининг замонавий ускуналар ва мини-технологик линиялар билан жиҳозланиши томи маънода галаба деса бўлади.

давлатимиз ёшларнинг таълим олиши ва баркамол шахс бўлиб вояга етиши учун зарур ишларни қилмоқда, аммо барча ота-оналар ўрта, махсус касб-хунар таълими тизими олдидидаги ўзларининг мажбуриятларини баравар ҳис этактилар, деб бўлмайди.

Хали-хануш ота-оналаримиз айрим ҳолатларда мажбурий таълимнинг неча йил ва унинг талаблари нималардан иборат эканлигини билишмаяпти, шекли. Шу сабабли, мажбурий таълим ҳақида тўхталишни лозим топдик.

Ёшларимиз мажбурий 9 йиллик умумтаълимни тугатгандан кейин, яна уч йил ўрта, махсус касб-хунар таълим муассасалари, яъни академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълимни давом эттирадилар. Касб-хунарга йўналтириш механизми на қандай бўлиши керак, деган саволга тўхталамиз. Мактаб жамоаси ва ота-оналар ҳамкорлигида ўқувчилар касб-хунарга йўналтирилади. Бу жараён психологик-педагогик ташхис марказлари раҳбарлигида амалга оширилади. Мамлакатимизда янги ташкил этилган ташхис марказлари ўқувчилар қобилиятини аниқлайди, тиббий-педагогик кўриклар ўтказиши, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига ёрдам беради, ўқувчиларнинг кизиқишларини эътиборга олган ҳолда ўрта, махсус касб-хунар таълими муассасаларини танлашда кўмаклашадилар.



Мушоҳада

ни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилиши керак. Шунингдек, биз фарзандлар тарбиясида ўз масъулиятини унутишга ҳаққимиз йўқ. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Ёшлар йили» Давлат дастури вазифаларини амалга оширишда ўрта, махсус касб-хунар таълими тизими, қолаверса, ёшларимиз тарбиясига лойиқ бўлмаган барча жамоатчилик буюрада ўз ўрнини ва масъулиятини жиҳдий ҳис этиши керак.

қилганда, бола ўз ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб, васийлик ва ҳрмийлик органига, 14 ёшга тўлгандан кейин эса, мустақил равишда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 47-моддасида, болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасида мажбуриятларини бажармаслик учун жавобгарлик асослари кўрсатилган. Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини янада кенгроқ ҳимоя қилиш мақсадида, 2008 йилда Маъмурий жавобгарлик Кодексининг ушбу моддаси 47- ва 47-моддалари билан тўлдирилди. Қўриб турганимиздек, давлатимизда боланинг таълим ва тарбияга бўлган ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинмоқда ва билим олиш учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Улардан самарали фойдаланиш ёшларимиз ва уларнинг ота-оналарининг ўзларига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, ўз уйи яқинида жойлашган коллеж ва лицейлар қилиб, фарзандларини узоқда жойлашган марказий шаҳарлардаги таълим муассасаларига қўйиб юбориш ҳолатлари кўпайиб кетмоқда. Хали вояга етмаган бу болаларнинг қўндалик назоратида эса қўйилмаётганлиги кўпайиб кетмоқда. Биринчидан, таълим муассасаси билан ота-оналар ўртасидаги масофанинг узоқлиги, иккинчидан, боланинг иқтисодий таъминотида ота-оналарнинг қўйналиб қоллиши ва бунинг оқибатида, айрим ҳолларда пул топиш мақсадида боланинг фикри ўқидан қалғани ёки бир-икки йилдан кейин ўқилиши ўз худудида кўчириш масаласини кўтаришидир. Учинчидан, «Олдиндан оққан сувнинг қадири йўқ» деганларидек, четка худудлардаги таълим муассасаларида режадаги контингент тўлганмай, марказий худудлардаги таълим муассасаларида эса ўқувчилар сонини режадан икки-уч марта ошиб кетмоқда. Вақо-вақо, барча худудлардаги таълим муассасаларининг қурилиши ҳам, моддий-техник базаси ҳам, феолияти ҳам, ДТС талаблари ҳам бир хил.

Х. ИБРАГИМОВ, тарих фанлари номзоди, доцент. Р. ТУРДИБЕКОВА, юридик фанлари номзоди, доцент.

ФАРФОНАДА КИТОБ БАЙРАМИ

Фарғона шаҳрида энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллик байрами олдидан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида «Китоблар эзгуликка йўлайди» шиори остида китоб байрами ўтказилди. Унда адабиёт илосмандалари, зиёлилар, ўқувчи ва талабалар иштирок этди. Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий соҳада кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ёшлар тафаккурини бойитиш, уларни она Ватанга садоқат, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида юртимизнинг барча жойларида турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш яхши анъаналарга айланган. Мазкур китоб байрами ҳам айни мақсадга хизмат қилади. Тадбир доирасида «Ўзбекистон», «Ўқувчи», «Маънавият», «Янги аср авлоди», Чўлпон ва Фафур Ғулум номидаги нашриёт-матбаа уйлари, «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан чоп этилган ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий йўналишдаги сара асарлар кўргазмаси намойиш этилди. М. СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири.

skywin Шимний сад. Skywin — эксклюзивный лицензионный партнер фирмы Schüco. 100031, г. Ташкент, ул. Афросиаб, 2, офис 14. Тел./факс (+998 71) 140-04-24. tashkent@skywin-gmbh.com www.skywin.uz

u cell G'alabang — o'z qo'lingda! Kompaniyaning pullik xizmatlaridan yanada ko'proq foydalanib, UCell taqdim etayotgan qimmatli sovg'a va sovrinlarga ega bo'lish imkoniyatini qo'ga kirit! 1 ta super yutuq — uy kinoteatri. 100 ta sovrin — DVD-pleyerlar, 3G xizmatini qo'llab turuvchi mobil telefonlari, LCD-televizorlari, videokameralar, kommunikatorlar hamda notubuklar. Bundan tashqari aksiyaning faol ishtirokchilari uchun 55 000 ta sovg'a. KO'PROQ SO'ZLASHIB, KO'PROQ IMKONIYATGA EGA BO'LI YANADA KO'PROG'INI KUTING

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 26734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 236-09-25. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳафаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 22.40